1991 йил 1 январдан чика бошлаган

<u> ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА\ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

20 май Сотувда эркин нархда

Nº 96 (2393)

**ЛИДИЦЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ГОЛИБЛАРИ** 

**Ўзбекистон Бадиий академиясида Чехия Респуб**ликаси Лидице шахрида болалар ижодиёти бўйича ўтказилган "Лидице-99" халқаро танловининг ўзбекистонлик голиб ва совриндорларини такдирлаш маросими булиб утди

Мазкур танловга юртимизнинг турли вилоятларидаги лицей-интернатларда таълим олаётган ўкувчиларнинг юзга яқин ижодий иши юборилган эди. "Менинг бобом ва бувим" деб номланган болаларча бегубор мавзудаги ушбу танловда 15 нафар ёш мусаввир юртдошимиз совринли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Шахрисабз лицей-интернати ўкувчилари Мақсуд Холов хамда Максуд Содиков танловнинг голиби деб топилиб, махсус медалга сазовор бўлди. Қолган 13 нафар ёш рассом эса диплом ва эсдалик совгалар билан такдирлан-

(¥3A)

Ўзбекистон Миллий университетининг Васийлик кенга-

шини бир ой муддатда таш-

кил этсин, куйидагилар унинг

асосий вазифалари этиб бел-

профессор-ўкитувчилар тар-

кибини ва талабаларни мод-

дий рагбатлантириш жам-

ғармасини тўлдириш учун

хомийлар, васийларнинг

маблагларини, грантлар ва бошқа манбаларни жалб

ципларига риоя килган холда Жамгарма маблагла-

рига бўлган эхтиёжни, унинг

нисбатларини ва уларни

таксимлаш механизмини

дан максадли ва аник фой-

даланилиши устидан назо-

Жамғарма маблағлари-

5. Ўзбекистон Республи-

каси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги, Узбекис-

тон Миллий университети: Узбекистон Миллий уни-

верситетининг Ривожланти-

риш хамда профессор-

ўкитувчилар таркибини ва

талабаларни моддий раг-

батлантириш жамғармаси

тўгрисидаги низомни; Узбекистон Миллий уни-верситетининг Васийлик

кенгаши тўгрисидаги низом-

ни икки хафта муддатда иш-лаб чиксин хамда Ўзбекис-

тон Республикаси Молия ва-

зирлиги билан келишган

холда белгиланган тартиб-

6. Мазкур қарорнинг ба-

карилишини назорат килиш

Узбекистон Республикаси

Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б. С. Хамидов

ва Узбекистон Республика-

си Бош вазирининг ўринбо-

сари Х. С. Кароматов зим-

да тасдикласин.

лар киритсин;

етказсин:

бир ой муддатда Идора-

вий меъёрий хужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул

қилиш қоидаларини ишлаб

чиксин ва тасдикласин.

уларни вазирликлар, давлат

ное слово" газеталари тах-

ририятлари билан бирга

шахсларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари-

ни янгидан қабул қилинган

умумий мажбурий тусдаги

идоравий меъёрий хужжат-

лар тўгрисида, идоравий

меъёрий хужжатларни дав

лат руйхатидан утказишнинг

холати тугрисидаги маълу-

мотларни хар хафта эълон

қилиш йўли билан, хабар-

дор килишни таъминласин;

қўмиталари ва идоралар

билан биргаликда 2000 йил

10 июнга қадар, амалдаги

қонунчиликка мувофиқ кел-

майдиган, жамият хаёти-

нинг барча томонларини

эркинлаштириш сиёсати та-

лабларига жавоб бермайди

ган, кичик ва ўрта бизнес-

ни ривожлантириш учун

асоссиз тўсиклар кўяётган тадбиркорлик субъектлари-

нинг ташаббускорлигини ва

иктисодий эркинлигини чек-

лаётган хужжатларни қайта

кўриб чикиш ва бекор

килиш максадида идоравий

меъёрий хужжатларни хат-

каси Вазирлар Махкамаси-

5. Узбекистон Республи-

ловдан ўтказсин.

вазирликлар, давлат

ликда барча манфаатдор

қумиталари ва идораларга

"Халқ сўзи" ва "Народ-

ижтимоий адолат прин-

Ривожлантириш хамда

гилансин:

белгилаш;

ратни таъминлаш

#### Владимир ПУТИН:

# УЗБЕКИСТОНГА ТАХДИД — РОССИЯГА ТАХДИ

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 18-19 май кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди

Ташриф дастуридан жой олган асосий тадбирлар Дўрмон қароргохида бўлиб ўтди. Биринчи куни мамлакатимиз рахбари Ислом Каримов ва Владимир Путин ўзаро яккама-якка сухбатда шу куннинг долзарб масалаари, икки томонлама алоқаларнинг бугунги ахволи ва истикболлари борасида фикр алмашди. Бу учрашув мўлжалланганидан анча узоқ давом этгани, унда мухокама қилинган масалалар жуда мухим бўлганлигидан дарак беради

Бугунги кунда диний экстремизм, халкаро террорчилик ва минтакавий хавфсизлик масалалари нафакат минтакамизда, балки бутун дунёда жуда долзарб бўлиб турибди. Шу боис, музокараларда бу мавзуга алохида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас. Президентлар давлатлар осойишталигига хавф солувчи хар қандай хавф-хатарга қарши хамжихатликда курашишнинг мухимлигини кайд этдилар. Бугунги кунда дунё халкларининг тинчосойишта ҳаёт кечиришига тўсқинлик қилаётган бундай хавфни енгиш учун биргаликда, кучларни ўзаро мувофиклаштирган ҳолда кураш олиб борилмаса, эртага у барча учун ашалдий тахдилга айланиши турган гап Мазкур масалаларни хал қилиш учун ҳозирданоқ қатьий чора-тадбирлар кўриш келажакдаги фаровон ҳаёт

19 май куни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда хам Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иктисодий, харбийтехникавий, шунингдек, хавфсизлик борасидаги хамкорлик масалалари мухокама қилинди. Бу соҳалардаги хамкорлик икки томон учун хам бирдек мухимлиги яна бир бор эътироф этилли.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо шериги ва иктисодий хамкори хисобланади. ўз навбатида, Ўзбекистон хам Россиянинг иктисодий хаётида мухим ўрин тутади. Сўнгги вактларда бу борадаги хамкорлик алоқалари сезиларли жонланганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумлалан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмаси хажми тўккиз фоиз ўсди. Хисоб-китобларга кўра, бугунги кунда икки давлат ўртасидаги савдо айланмасининг йиллик ҳажми 1-1,5 миллиард АҚШ доллари атрофидадир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, собик иттифок республикалари орасида факат Ўзбекистонгина Россиядан карздор эмас.

Бугун Ўзбекистон, дейлик, самолётсозлик сохасида Россия билан шериклик килишдан манфаатдор бўлса, ўз навбатида, Россия тукимачилик саноатининг ривожи ўзбек пахтасига боглик. Шунингдек, Узбекистон киш-

музейлар кунига

БАГИШЛАНДИ

Тошкентдаги "Туркистон"

саройида Халқаро музейлар

кунига бағишланган кеча

ўтказилди. Республика мада-

ният ишлари вазири Х.Жўра-

ев бошкарган мазкур кечада

бугунги кунда музейлар хал-қимиз ва айниқса, ёшлар он-

гида миллий ғурур, миллий

лантиришда ўзига хос мав

кега эга экани таъкидланди.

лик ишининг янада равнак

топишида республикамиз

Президентининг 1998 йилда қабул қилинган "Музейлар

фаолиятини тубдан яхшилаш

ва такомиллаштириш тўгри-

сида"ги Фармони мухим

ахамият касб этмокда. Кеча-

да сўзга чикканлар мазкур

Фармонни хаётга изчил тат

бик этиш, музейлар захира-

сида сакланаётган ноёб осо

ри-атикаларни асраб-авай-

қиш ва кенг тарғиб қилиш

борасидаги ишларни янада

жонлантириш зарурлиги

Тадбирда Узбекистон Рес

хакида гапирдилар.

аш, уларни дунёга олиб чи-

Юртимизда музейшунос-



лоқ хўжалик махсулотларининг Россияга етказиб берилиши хам мухим савдо-иктисодий омиллардан хисобланали

Музокаралар жараёнида таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги ўзаро иктисодий муносабатларни юксалтиришга хизмат қиладиган, аммо турли сабабларга кўра ишга солинмаган улкан имкониятлар, захиралар мавжуд. Музокараларда мана шу омиллардан унумли фойдаланишни тезрок йўлга кўйиш, бунинг учун куч-гайратни бирлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари нихоясига етгач, хукуматлараро хужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Икки мамлакат хукуматлари ўртасида Узбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилмалари ва Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш хамда халқаро автомобил қатнови тўгрисида битимлар имзолан-

Музокаралар якунлангач, Ислом Каримов ва Владимир Путин журналистлар билан учрашди. Мамлакатимиз рахбари Владимир Путин расман президент лавозимини эгаллаганидан сўнг ўзининг биринчи хорижий сафарини айнан Ўзбекистондан бошлагани чукур рамзий маънога эга нлигига эътиборни қаратиб, мазкур ташриф чогидаги музокаралар самарали бўлгани ва ўзаро ишонч рухида

ўтганини таъкидлади Биз хар галги учрашуви-

мизда ўзаро хамкорликнинг хам Ўзбекистон, хам Россия миллий манфаатларига мос келувчи янги шакл ва усулларини топишга муваффак бўляпмиз, - деди жумладан Ислом Каримов. - Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама шериклик бугунги кунда ўзаро ишонч, тенглик ва

да қурилмоқда Владимир Путин президентлик лавозимини расман эгаллагач, илк хорижий сафарини Узбекистондан бошлагани тасодифий эмаслигини айтди.

бир-биримизга хурмат асоси-

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар бўйича ривожланиб бормокда, - деди Россия рахба-- Мамлакатларимизнинг бир-бирини тушуниш даражаси кундан-кунга ортаётир. Бу эса, ўз навбатила, муносабатлар ривожининг жадаллашишига туртки бўляпти.

Ислом Каримов музокараларда минтакавий хавфсизлик масаласи кенг мухокама этилганини маълум килди. Диний экстремизм, хал-

қаро террорчилик, шунингдек, Шимолий Кавказ, Марказий Осиё ва бошка минтакалардаги барқарорликка путур етказишга уринаётган кучлар ортида яхши таъминланган ва уюшган халқаро экстремистик марказлар турганлиги бугунги кунда хеч кимга сир эмас, деди Ислом Каримов. - Бу иллатларга қарши курашиш ва манбаларини йўк килиш борасида Узбекистон билан Россиянинг қарашлари бир-бирига уйгундир.

Ўзбекистон Россия билан карбий ва харбий-техникавий хамкорликни кучайтиришдан, ўз навбатида, Россия хам мамлакатимиз билан бу борадаги шерикликни мустахкамлашлан манфаатлор. Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифдан олдин Давлат Думасига Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги харбий-техникавий хамкорликни янада чуқурлаштириш тўгрисидаги шартномани ратификация учун таклиф килгани бежиз эмас Мазкур хужжат ўтган йилнинг

декабрида, В.Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи чогида имзоланган эди. У икки мамлакат қуролли кучларининг моддий-техникавий базасини мустахкамлаш, харбий техника ва эхтиёт қисмлар етказиб бериш масалаларини хал қилиш учун хукукий асос яратади. Ислом Каримов таъкидладики, айни пайтда икки мамлакат ўртасида харбий-техникавий хамкорлик борасида ўттизга якин лойиха ва шартнома устида иш олиб борилмокда. Уларнинг хаётга татбиқ қилиниши Ўзбекистоннинг мудофаа қудратини янада

Владимир Путин Узбекистон рахбариятининг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш борасида юритаётган сиёсатига юқори бахо берди ва бу жараён республикамиз иттифокчилари, жумладан, Россия томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади Сўнгги вақтларда Марказий Осиё минтакасидаги вазиятни издан чикаришга каратилган харакатлар анча фаоллаш-

оширишга хизмат килади.

гани рост. Экстремистик кучлар бу худудда "бекарорлик ўчоги" яратишга уринаётир. Минтакада жойлашган республикалар, жумладан, Ўзбекистон Россиянинг мухим шериги хисобланади. Бинобарин, бу ердаги бекарорлик Россия манфаатларига хам путур етказади. Шунинг учун Владимир Путин Узбекистонга солинган тахдид Россияга хам килинган тахдид бўлади, деб алохида гаъкидлади. Шу туфайли Россия рахбари халқаро террор ва экстремизмга қарши курашда Россия Ўзбекистонга хар томонлама кумак беришга доим тайёр эканлигини маълум килди.

Сўнгги вактларда Ислом Каримов ва Владимир Путин ўртасида шахсий дўстона якинлик ва ишонч пайдо бўлгани ҳақида кўп гапирилмокда. Журналистлар билан учрашувда президентларнинг ўзлари хам бу жихатни алохида таъкидлади. Улар бу дустона якинлик давлатлараро муносабатларнинг янада юқори босқичга кўтарилиши хамда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустахкамланишида мухим омил бўлишини қайд этди.

Дўрмон қароргохидаги тадбирлар нихоясига етгач, президентлар Тошкент ислом университетига ташриф буюрди. В.Путин университет профессор-ўкитувчилари ва алабалари билан учрашди.

Шу билан Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга ташрифи нихоясига етди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб кол-

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз рахбари махаллий оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, жумладан, шундай

деди Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифи самарали бўлди, -Ислом Каримов. - Маълумки, ўтган йилнинг декабр ойида В.Путин мамлакати мизга Россия хукумати раиси сифатида ташриф буюрган эди. Шундан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида икки мамлакат ўртасидаги хамкорлик алоқаларида катта ижобий ўзгаришлар юз берди Бу сафар у юртимизга Россиянинг президенти сифатида келди. Мазкур икки ташриф сиёсий, савдо-иктисодий, маданий-маърифий сохалардаги хамкорликни кенгайтириш, турли масалаларга қарашларимизни уйғунлаштириш, хавфсизлик йулида алокаларимизни мустахкамлаш борасида жуда мухим омил бўлди.

> Анвар КАРИМОВ, Алишер ХАСАНОВ, УзА мухбирлари. СУРАТДА: учрашув пайти. Абдувохид ТУРАЕВ олган сурат.

#### Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг KAPOPU

#### Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўкитувчилари таркиби фаолиятини ва талабаларини рағбатлантиришга доир қушимча чора-тадбирлар туғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент Давлат университетига "Ўзбекистон Миллий университети" макомини бериш тўгрисида" 2000 йил 28 январдаги ПФ-2532-сон Фармонини бажариш юзасидан хамда мамлакатда таълим тизимини ривожлантиришда ва кадрлар тайёрлашда унинг ролини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети профессорлари, ўкитувчилари фаолиятини ва талабаларини рагбатлантириш тизимини такомиллаштириш максадида Вазирлар Махкамаси КАРОР КИЛАДИ:

1. 2000 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Миллий университетининг ўқитувчипари, катта ўкитувчилари, доцентлари, профессорлари, факультетларнинг деканлари ва кафедра мудирларига лавозим маошининг 15 фоизи микдоридаги ойлик устама белгилансин, устама Давлат бюджети маб-

лаглари хисобига туланади. 2. Ўзбекистон Миллий университети хузурида Ривожлантириш хамда профессор-ўкитувчилар таркибини ва талабаларни моддий рагбатлантириш жам-

гармаси тузилсин Куйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

университетнинг талабалар ва аспирантларни пуласосида ли-контракт ўкитишдан оладиган даро-Узбекистон Республикаси

резидентлари ва норезидентлари булган юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар, васийларнинг хайрия маблаглари ва бошка нотижорат манбала-

университет булинмалари ва тузилмалари фаолияти ихтисоси буйича товарлар ишлаб чикариш ва сотишдан (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар; амалдаги қонун хужжат-

парига зид бўлмаган бошқа 3. Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий университеининг Ривожлантириш хамда профессор-ўкитувчи-

лар таркибини ва талаба-

ларни моддий рагбатлантириш жамғармаси маблағлари куйидаги максадларга сарф-

тегишли равишда ўкишда ва ўкитувчилик фаолиятидаги муваффакиятлари учун талабалар ва ўкитувчиларни кушимча равишда моддий рагбатлантириш;

эхтиёжманд талабалар ва ўкитувчиларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш;

ётокхоналарда яшаётган талабалар ва аспирантларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш:

эхтиёжманд ўкитувчилар ва профессорларни уй-жой бипан таъминлаш; университет жамоасида

тказиладиган маърифий. маънавий ва маданий тадбирпарни маблаг билан таъмин-

ўкитувчилар ва талабалар-ни спорт жихатдан ривожлантириш хамда согломлаштиришга доир комплекс тадбирларни амалга ошириш: университетнинг кутубхона

фондини янгилаш ва кенгайуниверситет ўкув бўлинма-ларининг моддий-техника баасини яхшилац

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таьлим вазирлиги Узбекистон Миллий университети, манфаатдор корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялар ва корхоналар, ти-

жорат банклари иштирокила

Вазирлар Махкамасининг Раиси

Тошкент шахри, 2000 йил 19 май.

и. каримов

#### Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг KAPOPU

#### Вазирликлар, давлат кумиталари ва идораларнинг меъёрий хужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўгрисида

Конун хужжатларини амалга оширишнинг таъсирчан механизмини шакллантириш, вазирликлар, давлат кумиталари ва идоралар меъёрий хужжатларини сифатли тайёрлаш хамда уларнинг конунийлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўскинлик килувчи идоравий меъёрий хужжатларнинг кабул кили-нишини бартараф этиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш максадида Вазирлар Махкамаси КАРОР КИЛАДИ:

1. Белгилаб қўйилсинки: вазирликлар, давлат кумиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатлари агар хужжатнинг ўзида янада кечрок муддат кўрсатилмаган бўлса, улар Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради:

фукароларнинг, шунинг дек тадбиркорлик субъектларининг хукуклари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тааллукли меъёрий хужжатлар "Узбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кумиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари Ахборотномаси" "Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан"да, албатта, эълон килиниши керак;

вазирликлар, давлат қумиталари ва идоралар-нинг таркибий булинмалахудудий органлари меъёрий тусдаги хужжатлар кабул килишга хакли эмас лар, ушбу хуқуқ қонунчилиқда тўгридан-тўгри назарда тутил-ган ходлар бундан мустасно.

2. Узбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кумиталари ва идоралари: умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларнинг

улар қабул қилинган күндан бошлаб ўн кун мобайнида Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат руйхатидан ўтказиш учун гакдим этилишини хамда кейинчалик меъёрий хужжатларнинг давлат рүйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддатда барча манфаатдор шахсларга ет казилишини таъминласин-

умумий мажбурий тусда-

ги меъёрий кўрсатмаларни меъёрий тусда бўлмаган хужжатларга киритиш, шунингдек Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилмаган умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларни ижро этиш учун жўнатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш қоллариға йўл қўйма-Вазирликлар, давлат куми-

талари ва идоралар рахбарлари идоравий меъёрий хужжатларни қабул қилиш ва давлат руйхатидан утказиш тартибини белгиловчи Хукумат карорларининг сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари тўгрисида огохлантирилсин. 3. Вазирликлар, давлат

қумиталари, идоралар, барча даражалардаги хокимликлар томонидан тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни, руйхатдан ўтказишни ва уларнинг фаолиятини мураккаблаштирувчи, асоссиз равишда қушимча маълумотномалар ва хужжатлар сўрашни назарда тутувчи хужжатлар чикарилиши такиклансин. 4. Узбекистон Республика-

си Адлия вазирлиги: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан идоравий меъёрий хужжатларни қабул қилиш, давлат руйхатидан ўтказиш ва амалга киритишнинг белгиланган тартиби бажарилиши устидан назоратни таъминла-

идоравий нормалар чикаришнинг ахволини доимий равишда тахлил килиб борсин ва зарурат бўлганда Ўзбекис-тон Республикаси Вазирлар Махкамасига тегишли таклиф-

нинг "Вазирликлар, давлат кумиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўгриси-да" 1997 йил 9 октябрдаги да" 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорига ўзгартириш ва кушимчалар кири-6. Мазкур қарорнинг ба-

жарилишини назорат килиш Узбекистон Республикасининг Бош вазири У. Т. Султонов зиммасига юклансин

Вазирлар Махкамасининг Раиси

и. Каримов

Тошкент шахри

2000 йил 19 май.

публикаси Президентинин Давлат маслахатчиси А.Ме пибоев иштирок этди

нафакат табиий бойликлари, балки улуг олимлари, азиз авлиёлари билан ҳам дунёга танилган ўлка.

Узбекистон кун сайин ривожланиб, яшнаб бораётганлиги, унинг ютуклари дунёда эьтироф этилаётганлигинин асосий сабабларидан бири хам ана шунда тарихи буюклигида, деб ўйлайман. Мен Туркманистонда

Мамлакатимизда мехмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Махдий Фатхулла Ўзбекистон ташқи сиёсат махкамаси рахбари А.Комилов билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш билан боглиқ масалалар мухокама қилинди. Ўзбе-

ган имкониятлар куплиги таъкидланди. Учрашув якунида

Кадим-кадимдан Ўзбекистон жаннатмакон юрт сифатида таърифланиб келинади Бу бор хакикат. Узбекистон

Мустақиллик йилларида

яшайман. Аммо миллатим ўзбек. Бундан фахрланаман. Узбекистондаги ўзгаришлар ни қизиқиб кузатиб бораман. Қисқа вақтда Ўзбекистон эришган ютуклар ўз-ўзидан булгани йўк, албатта. Бунинг

МУХОКАМА КИЛИНДИ кистон билан Миср ўртасидаги хамкорлик муносабатлари йилдан йилга ривожланиб бораётган бўлса-да, хали икки томонда хам ишга солинма-

мехмон мамлакатимиз ташқи лар вазирлигида ҳам булиб, сиёсат махкамаси рахбарига Миср ташки ишлар вазири Амр Мусонинг мактубини топширди.

ХАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

куни Ташқи иқтисодий алоқа-

Мисрлик мехмонлар шу

икки мамлакат ўртасидаги иктисодий алокаларни кенгайтириш юзасидан музокара ўтказди. (¥3A)

тимиз рамзи сифатида ўгли-

Туркманистондан мактуб

## **УЗБЕКЛИГИМДАН** ФАХРЛАНАМАН

учун қанча мехнат, Юртбошининг бөдор тунлари, холис ниятлари керак бўлди. Ислом Каримов Президент-

ликка қайта сайланганда бутун оила аъзоларимиз билан кувондик. Чунки бу инсон зининг окилона сиёсати, фидойилиги билан нафакат Узбекистонда, кушни республика халклари ўртасида хам хурмат қозониб келмокда. Уз халкига мехр-мухаббатни,

окибатни у кишидан ўрганиш керак, деб бутун жахонга хайкиргим келади Халқда қушнинг тинч – сен

тинчсан, деган макол бор. Ислом Каримов нафакат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда хам тинчликни саклашда катта хизмат қилиб келмоқда. Бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Буни кўриб, билиб турибмиз. Ислом акага бўлган хурмамизга Исломбек деб исм қуйган эдик. Хозир у уч ёшга тулди. Худойимдан шуни ил тижо қилиб сўрайманки илохим ўглимиз хам Ислом акадек билимли, мард, ўз халқига фидойи инсон бўлиб етишсин. Ва шундай қилиб тарбиялашга харакат қиламан. Узбек халкининг дардига дармон бўлаётган, йўлини

куёш бўлиб ёритаётган, сао-

датли келажак сари етак-

лаётган Ислом акага узок

умр тилаймиз. Оллох ўз па-

нохида асрасин!

Дилором МАТЁКУБОВА, Ташовуз вилояти, С. Ниязов тумани, «Дўстлик» жамоа хўжалиги.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида илк бор тузилган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари кўмитаси котиби Гулом МИРЗАЕВ билан Парламентнинг биринчи ва иккинчи сессиялари оралигида янги кумитада амалга оширилган ишлар, навбатдаги сессия мухокамасига киритилаёттан масалалар тўгрисида сухбатлашдик.

- Олий Мажлис сессияпари ўртасидаги уч ойдан зиёд даврда, аввало, янги кумитанинг максал ва вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди, — деди қўмита ко-тиби. — Янги қўмита мамлакатимиз демократик тараққиётининг устувор йўналишларидан бири — давлат органлари ваколатларини боскичма-боскич нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларига ўтказиб беришнинг хукукий асосларини яратишни ўз фаолиятининг бош максадларидан эканлигини эътироф этди. Кумита фаолиятининг конун ижодкорлиги, мавжуд конунлар ижроси буйича назорат-тахлил фаолиятини амалга ошириш, Олий Мажлис сессиялари материалларини таргиб ва ташвик килишдан иборат энг мухим йўналишлари ишлаб чикилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган дастурий маърузаларидан келиб чиккан холда Парламентнинг 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тугрисидаги иш режасидан кумита томонидан якин истикболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган мухим вазифалар хам ўрин олди. Жумладан, қонунчилик сохасида кумитада дастлабки уч йил мобайнида «Конун лойихаларининг умум-

Шу йилнинг 19 май

куни республика Фан-

лар академиясининг

Узбекистон Республика-

си Фанлар академияси

фаолиятини эркинлаш-

тириш ва янада ислох

килиш масаласига ба-

**гишланган Умумий маж-**

Умумий мажлис тугагач,

купгина иштирокчилар уни

Фанлар академияси хаётида

«Тарихий ахамиятли йиги-

лиш» деб таърифлаб бахо-

ладиларки, бу бежизга эмас.

лар акалемияси хаётила янги

давр бошланганлигидан да-

лолат берувчи мухим вокеа

юз берди. Маълумки, Узбе-

кистон фанига мухбир аъзо-

лик институти собик шуро

тузумидан мерос бўлиб қол-

ган. Хозирги даврда ушбу

**унвонга** эга бўлган ва узок

йиллар давомида илм-фан-

га сидкидилдан хизмат

килиб келаётган таникли

олимларимиз эътибордан

четда колаётган эди. Мам-

лакатимиз Президенти томо-

нидан мавжуд ахвол хамда

тараккий этган давлатлар-

нинг академияларида бундай

унвон йўклиги инобатга оли-

ниб, Фанлар академияси-

нинг мухбир аъзолиги инсти-

тутини тугатиш тўгрисидаги

таклиф кўллаб-кувватланган-

рокчилари томонидан катта

мамнуният билан қарши

олинди. Шундай қилиб, маж-

лисда Фанлар академияси

таркибидаги 82 нафар мух-

бир аъзога академик унво-

нини бериш тўгрисида те-

гишли карор қабул қилинди.

Мажлис бошидаёк Фан-

лиси бўлиб ўтди.

#### Олий Мажлис сессияси олдидан

халк мухокамаси тўгрисида», «Ижтимоий жамғармалар тўгрисида», «Фукароларнинг мурожаатлари тўгрисида» (янги тахрир), «Хайрия фаолияти тўгрисида» каби янги

Конун лойихасида ўз аксини Бундан ташқари, бўлажак сессия мухокамасига қўйилган «Экологик экспертиза тўгрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўгрисида» (янги тахрир), «Фукаро мухофазаси

«Фукароларнинг хукуклари ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва карорлар устидан судга шикоят қилиш тўгрисида»ги қонунларнинг ижро этилишини ўрганиш каби ўндан ортик масала бўйича назорат тахлил фаолиятини

бошкаруви, иктисодиёт, маънавият, суд-хукук ва ташки сиёсат сохасида мамлакатимизда амалга ошириладиган туб ислохий ўзгаришларнинг мазмун-мохияти, ахамияти хусусида сўз борди. Кўмитанинг ташвикот ишлари оммавий ах-

## ХАЛК БИЛАН XAMHADAC

лар киритиш бўйича ишлаш режалаштирилган.

қонунлар лойиҳаларини тайё-

рлаш хамда бир қатор қонун-

Утган ойлар ичида кумитанинг ана шу асосий фаолият йўналишлари бўйича қандай ишлар

килинди? Бу даврда кўмита фаолиятининг биринчи асосий йўналиши — конун ижодкорлиги сохасида иш режасига киритилган бир қанча қонунлар, хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўгрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўгрисида», «Халк депутатлари вилоят, туман ва шахар Кенгашларига сайлов тўгрисида», «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг макоми тугрисида», «Узбекистон Республикасида депутатчақириб олиш тартиби тўгрисида» ва «Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) тўгрисида»ги конунларга ўзгартиш хамда қўшимчалар киритиш билан боглик масалалар қўмитада, махсус ишчи гурухлари аъзолари иштирокида бир неча марта мухокама

Ана шу амалий мухокамаларнинг натижаси сифатида юзага келган тегишли таклифлар Олий Мажлис Кенгашига тавсия этилди. Бу таклифларнинг аксарияти иккинчи сессия кун тартибидан ўрин олган «Узбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўгрисида»ги

йихалари бўйича хам қўмита ўзининг таклиф ва тавсияла-

рини берди. Кўмита асосий фаолияти-

нинг иккинчи йўналиши мавжуд қонунлар ижроси бўйича назорат тахлил фаолияти борасида феврал-март ойларида Кумита аъзолари. депутатлар ва ишчи гурухи «Фукароларнинг мурожаатлари тўгрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятида бажарилишини ўрганди. Ушбу масала шу йилнинг март ойида кумита хамда Регламент, одоб ва депутатлар фаолияти таъминоти комиссиясининг кушма мажлисида мухокама қилинди. Қўшма мажлисда қабул қилинган карор асосида Хоразм вилоятида фукароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотнома ва мажлиснинг кушма карори Коракалпогистон Республикаси Жукорги Кенгеси, барча вилоят, туман ва шахарлар хокимликларига хамда тегишли вазирликлар ва ташкилотларга юборилди. Яна бир масала. Ўзбекис-

тон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг бажарилишини ўрганиш юзасидан қўмитамиз Олий Мажлиснинг Инсон хукуклари бўйича вакили (Омбудсман) хизмати билан биргаликда иш олиб борди. Кумита 2000-2002 йиллар-

да «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўгрисида», «Фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўгрисида»

Кумитанинг учинчи асосий фаолият йўналиши Олий Мажлис сессиялари материалларини таргиб ва ташвик қилиш жабҳасида сессиялар оралигида амалга оширилган ишларни, аввало, Парламентнинг биринчи сессиясилан сўнг кумита аъзоларининг сайловчилар билан ўтказган учрашувлари мисолида кўриш мумкин. Депутатлар жойларда бўлиб ўтган ана шундай учрашувлар чогида фукароларимизга сессия карорлари, жумладан, жамиятимизни янгилаш ва ислох этишнинг хозирги боскичида олдимизда турган долзарб вазифалар тўгрисида тушунтириш бердилар.

Шунингдек, кумита томони-

дан ташкил этилган бир қанча давра сухбатлари, амалий анжуманларда сессия мажлисларида кўрилган масалалар, хусусан, Президентимизнинг биринчи сессиядаги маърузаларидан келиб чикадиган истикболли вазифалар хакида атрофлича фикр юритилди. Масалан, Қумита томонидан феврал ойида сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари, оммавий ахборот воситалари, чет эл элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирокида туртта давра сухбати ўтказилди. Ана шу тадбирларда ҳам Президент маърузаси ва сессия

қарорларидан келиб чиқиб,

сиёсат, давлат қурилиши ва

мунтазам равишда амалга ошириб борилди

 Аёнки, биз олдимизга адолатли фукаролик жамияти барпо этиш максадини кўйганмиз. Фукаролик жамиятини куриш, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бир канча ваколатли вазифаларни давлатдан махаллий хокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органларига боскичма-боскич топширишни кўзда тутади. Янги Кумитанинг фаолияти эса. номидан кўриниб турганидек, демократик институтлар, 2300 дан ортик нодавлат ташкилотлар, махалла ва фукаролар йигинлари иши билан чамбарчас боглик. Шундай эмасми?

Албатта. Худди шу маънода, қўмита нодавлат ташкилотлар ва ижтимоий ўзини ўзи бошкариш тизимлари фаол ишлаши учун тегишли хукукий мезонларни яратиш, бу борада амалда бўлган қонун хужжатларини такомиллаштириш йўлида фаолият кўрсатиш билангина чекланиб колмаяпти. Акинча, ана шу ташкилотлар олдидаги муаммоларни хал этишда яқиндан кўмаклашиш, нодавлат тузилмаларнинг давлат ташкилотлари билан алоқаларини хамда уларнинг бирбирлари билан ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш жабҳасида амалий ҳамкорлик ишларини йўлга куймокда

Бу борада, айникса кумита таклифлари ва ташкилотчилиги билан турли давра сухбатлари, семинаркенгашлар ва бошқа хил анжуманлар уюштиришга алохида эътибор каратиляпти. Жумладан, қўмита ташаббуси билан шу йилнинг март ойида Фанлар академияси Президиуми биносида «Хозирги замон Ўзбекистон қонунчилиги: назария ва амалиёт муаммолария мавзуида бўлиб ўтган давра сухбати хам ўзининг са марали натижаларини бериши керак.

Бундай тадбирларга бу-

гунги кунда катта эхтиёж

борлиги, уларнинг мухим амалий ахамиятга молик эканлиги ана шу анжуманлар иши чогидаёк эътироф этилаётганлиги диккатга сазовор. Мисол учун, Самарқанд вилоятининг Зиёлилар саройида апрел ойида уюштирилган махаллий хокимият идоралари хамда нодав лат нотижорат ташкилотлар вакилларининг навбатдаги амалий учрашувида давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар ўртасида тенг ижтимоий хамкорлик мухити яратилиши томонларнин амалий масалаларни хал этиш бўйича биргаликдаги фаолиятида мухим ахамият касб этиши айтилли. Учрашув катнашчилари давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари қўшма фаолияти дастурини ишлаб чикиш давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида доимий семинарлар ўтказиш, нодавлат ташкилотлар ахборот жамғармасини қилиш, хукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларни давлат лойихалари бўйича ишларга жалб этиш каби бир канча амалий таклифларни ўртага ташлашди.

Хулоса қилиб айтганда, кўмита бугунги кунда ўз фаолиятининг тикланиш, шаклланиш боскичини муваффақиятли якунлаб, янги парламентнинг тулаконли кумитаси сифатида зиммасидаги вазифаларни масъулият билан адо этиш йўлида харакат килмокда

> Исмат ХУДОЁРОВ сухбатлашди.



#### XAMKOPAHK лифига кўра Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе мамлакатимизга ташриф буюради. Германия Бундестаги рахбарининг Узбекистонга сафари икки мамлакат парламентлари ўртасида ўрнатилган ўзаро хамкорлик алокаларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадини кўзлайди. В.Тирзе жаноблари ташриф арафасида "Жахон" АА мухбири саволларига жавоб берар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги узвий мулоқот, хамкорликнинг янги шаклларини излаш нафакат хукуматлараро даражада, бал-

ки муассасалар ва ташкилотлар, колаверса, оддий одам-

лар ўртасида хам узлуксиз давом этиши хамда янги мазмун-мохият билан бойиши зарурлигини таъкидлади. Дархакикат, ўзбек-герман муносабатларининг нисбатан қисқа даври мобайнида узоқ муддатга мўлжалланган сиёсий, иктисодий ва мада-

ний хамкорликнинг мустахкам замини яратилди. Бу борада икки мамлакат парламентларининг ўзаро манфаатли ва тенгхукукли муносабатларни ривожлантириш йўлидаги узвий хамкорлиги мухим ахамият касб

этмокда. Германия парламенти аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мустакил давлат хукукий асосларини барпо этишдаги саъй-харакатларини нафакат кўллаб-кувватладилар, балки мамлакатимиз хокимият органи шаклланишининг мураккаб жараёнларида амалий ёрдам кўрсат-

Узбекистон тўгрисида холис ва хакконий маълумотларни оммавийлаштириш, республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини тарђиб этиш, шунингдек, немис жамоатчили гини ўзаро манфаатли хамкорликка жалб этишда Германия-Ўзбекистон парламентлараро жамияти алохида ўрин тутади. 1994 йилда ташкил этилган мазкур жамиятга Бундестаг депутатлари билан бир қаторда ГФР илмий ва ишбилармон доиралари вакиллари, етакчи жамоат арбоблари аъзодир-

Икки мамлакат парламен тлари ўртасидаги алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида хам фаол ривожлан-

Чунончи, 1999 йилнинг октябрида Олий Мажлис делегацияси жахоннинг 120 дан зиёд мамлакатларининг парламент вакиллари каторида Парламентлараро итгифокнинг Берлинда бўлиб ўтган 102-конференцияси ишида катнашди. Ушбу анжуман давомида Бундестаг раиси В.Тирзе мамлакатимиз делегацияси аъзолари билан учрашиб, ўзаро хамкорликнинг истикболли йўналишларини мухокама

Бугунги кунда Ўзбекистон

си ва Бундестаг глобал ва минтакавий хавфсизлик, ний экстремизм ва халқаро терроризм хамда наркобизнесга қарши кураш масалаларида узвий хамкорлик қилмоқдалар. Хусусан, В.Тирзе диний-сиёсий терроризм ва экстремизмга карши Тошкент резолюциясини тўла қўллаб-қувватлаб, булажак ташрифи давомида бу мухим хужжатда баён этилган асосий кўрсатмаларнинг амалий ижросини мухокама килишга тайёр

эканини билдирди. Бундестаг раиси В.Тирзе Шаркий Германияда ўз фа-олиятини бошлаган, бинобарин, собик ГДРнинг якин ўтмишидаги барча ижтимоий-сиёсий бўхронларини бевосита бошидан кечирган. Узининг мустахкам эътикоди ва окил карашлари туфайли В.Тирзе тез орада немис жамоатчилиги ва Бундестаг депутатлари орасида катта хурмат ва ишонч козонди. 1998 йили эса у мамлакат парламентини бошқариш ваколатига мушар-

раф бўлди. В.Тирзе ўзининг сиёсий фаолиятида ижтимоий масалаларни хал этишга катта эътибор каратмокда, зотан, унинг фикрича, ижтимоий адолат - бу, авваламбор, эркинлик ва демократиянинг маънавий пойдеворидир.

Германия иктисодиёти ва жамиятида тез ўзгараётган вазият баъзида ижтимоий хавотир уйготмокда. Бу эса имкон қадар кўпрок одамлар келажакда ўзларини эркин хис этишлари, ижтимоий химояланган бўлишлари учун давлат томонидан муайян шароитлар яратишни такозо этади.

Жамиятнинг хар бир аъзосининг эркин камолоти учун қулай шарт-шароитлар барпо этишдаги қарашлар ва интилишларнинг ўхшашлиги, шунингдек, мамлакатимизнинг бу борада эришган амалий ютуклари икки мамлакат парламентлари ўртасидаги хамкорликни янада изчил ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини кўрсатмокда.

"Жахон" АА

## ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ -ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

19 май кунидан бошлаб академик унвонига мушарраф бўлган ва Фанлар академиясининг шу пайтгача мухбир аъзоси бўлиб келган олимлар Президентимиз ва давлатимизнинг бу юксак ишончи ва эхтиромини ўзларига олий «ижтимоий буюртма» сифатида қабул қилишиб, мустақил Узбекистон фанини ривожлантириш йўлида бундан кейин янада катта куч-гайрат сарфлаб, бор илмий салохиятларини сафарбар этиб, мехнат

қилажакларини изҳор этдилар. Мустакилликнинг ўтған тўққиз йили мобайнида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Мустакил Ўзбекистонда янги хукукий демократик давлат ва адолатли фукаролик жамиятини барпо этиш, бозор қонуниятларига асосланган янги иктисодиётни вужудга келтиришдек стратегик йўналишлар бўйича бошланган кенг қамровли ислохотлар бугун катта самара бермокда. Президентимизнинг «Узбекистон XXI асрга интилмокда» номли асаридан кейин эса мамлакат ҳаётидаги ўзгаришлиги умумий мажлис иштилар янги сифат боскичига кўтарилди. Бутун жамиятнинг турли жабҳаларида эркинлаштириш жараёни тобора фаол тус олмокда.

> Мустакилликнинг ўтган йиллари мобайнида республика Фанлар академияси фаолиятида ва бошкарувида хам маъ-

берди. Шу билан бирга, Ватанимизда ислохотлар чукурлашиб боргани сари академик фаннинг ривожланиши хаёт эхтиёжларидан орқада эканлиги ҳам кўзга ташланиб қолаяпти. Фанлар академияси бошқарув аппарати тузилмаси нинг норационаллиги, унинг иш услубида сакланиб қолаётган маъмурий буйруқбозлик тизимининг асоратлари илмий муассасалар фаолиятини замонавий талаблар даражасида ташкил қилишга, эришилган ихтиро ва кашфиётларни ўз вактида амалиётга жорий этишга, янги илмий мактабларни яратишга, тараққий этган давлатларнинг нуфузли илмий марказлари билан ҳам-

корликда иш олиб боришга,

илм-фан сохасига инвестици-

яларни кенгрок жорий килиш-

га, умуман, Ўзбекистон фани-

ни халкаро майдонда муносиб намойиш этишга халақит бериб келарди. Фанлар академиясининг умумий мажлисида ана шундай муаммолар тўгрисида очикчасига гаплашилди. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий хаётида амалга оширилаётган ислохотлар ва эркинлаштириш жараёнларига Фанлар академияси фаолиятини мувофиклаштириш хамда ислох килиш

ушбу мажлиснинг бош мавзуига айланди Мажлисда Фанлар акаде-

ра бермаётган бўгинларни қисқартириш ва унинг рационал тузилмасини, жахондаги илгор тажрибаларни тахлил килган холда ишлаб чикиш масаласи бўйича билдирилган таклифлар кўриб чикилди. Фанлар академиясининг беш бўғинлик бошқаруви тизимида икки бўгин - Фанлар академияси бўлими ва Фанлар академияси президиумини тугатиш мақсадга мувофиқ, деб

Фанлар академияси бошқарувига оператив рахбарлик органи - Фанлар академияси Хайъатини киритиш ва унинг таркибини бундан кейин Фанлар академияси Президенти, 4 та вице-президент, бош илмий котиб ва минтакавий бўлимлар раислари лавозимларида ишлайдиган рахбарлар билан чеклаш маъкул, деб хисобланди. Тасдиклаш учун такдим этилаётган Фанлар академияси бошкарув аппаратининг янги тузилмасида 80 та штат бирлиги ўрнига 49 та штат бирлиги қолдирилади.

Фанлар академияси рахбариятида халқаро алоқаларни ривожлантиришга масъул бўладиган алохида вице-президент лавозимини киритиш кўпчилик томонидан қўллабкувватланди.

Илмий муассасаларнинг илмий-ташкилий ва молияхўжалик фаолиятидаги эркин-

лиги ва мустакиллигини таъминлаш, уларнинг Фанлар академияси бошқарувидаги ахамияти ва масъулиятини ошириш, илмий-тадқиқот муассасалари директорларининг мавкеини янада кўтариш учун Фанлар академияси президенти хузурида илмий-тадкикот муассасалари директорларининг Кенгашини тузишга карор килинди. Маслахат органи сифатида иш юритувчи ушбу Кенгаш тўгрисида алохида Низом тасдик-

Мамлакатимизда олиб борилиши лозим бўлган ва жамиятимизнинг тараққиётига қаратилган фундамен тал ва амалий илмий тадкикотларнинг устивор йўналишларини аниклашга, ушбу йўналишлар бўйича бажарилаётган илмий ишларнинг мавкеи ва самарадорлигини жахон фанининг юксак талаблари даражасида бахолашга бевосита хизмат киладиган фанлар йўналишлари бўйича вице-президент хузурида Илмий кенгашлар ташкил этиш зарур, деб топилди. Кайд этилган Илмий кенгашлар фаолиятини аник ифода этувчи махсус Низом тайёрланди. Фанлар акалемияси Ус-

тавининг янги тахрири тайёрланди ва умумий мажлисда қабул қилинди. Узбекистон Фанлар ака-

демиясининг умумий мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслахатчиси Т. Рискиев нутк сўзлади.

м. сафаров, «Халқ сўзи» мухбири.

## Кейинги пайтларда Янгикур-Замонавий талаблар даражасида бунёд этилаётган ушбу спорт ғон туманида хам ахоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор

таптириш, оммавий спорт тур ларини ривожлантиришга алохи эътибор қаратилмоқда. мақсадда, туман марказидаги бундан бир неча йиллар бурун бошайрим сабабларга кура тўхтаб қолған 6 минг ўринли янги уйингох қурилиши қайтадан жадаллик билан бошлаб юборилди.

гектардан иборат булиб, бу ер дан футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ва теннис корти ўрин олади. Мухташам маъмурий бинода эса ечиниш, кийиниш ва ювиниш хоналарини хам ташкил этиш кўзда тутилган.

Хашар йўли билан кад ростлаётган мазкур спорт мажмуини шу йил мустакиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш мулжалланган. Бу эса ту ман ахли учун «Соглом авлод йили»да ажойиб тухфа булиши,

СУРАТЛАРДА: пайвандловчи Соликжон Сотиболдиев; спорт мажмуи курилишида иш кизгин. Тургунбек МАХКАМОВ олган суратлар.

## NUHOXAX ШУХРАТ ЭГАЛАРИ

иклимга донги кетган ота-боболаримиз хакида шундай деган эди: «Биз буюк аждодларимиз - ал-Бухорий, ат Термизий, Ахмад Яссавий Бахоуддин Накшбанд, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улугбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машхур Шарк донишмандларини ёд этамиз хамда улар билан фахрланамиз». Дархакикат, юкоридаги

номлар каторида Захириддин Мухаммад Бобурнинг табаррук исми хам тилга олингани бежиз эмас. Сохибкирон Амир Темурнинг шонли аждодларидан бўлган Бобур ўзининг кўп киррали ижодиё ти ва буюк тарихий хизматлари билан жахон цивилизациясига муносиб хисса қушган. Бобур ва бобурийлар фаолиятларини хар томонлама чукур ўрганиш Ватанимиз истиклоли шарофати ила янгича кўлам ва ян гича ёндошиш тамойили билан давом этмокда.

Сунгги йилларда Фран ция, Япония ва АКШда «Бобурнома» аслиятдан япон, француз ва инглиз тилларига таржима қилиниб, нашр эттирилди. Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»си хам бир неча тилларга таржима

шохнинг фаолиятига қизиқиш, ўрганишга интилиш ортиб бораётир. Шохжахон ва мохир меъморлар томонидан барпо этилган Тожмахал жахоннинг етти мўъжизасидан бири сифатида тан олинган. Шохжахоннинг ўгли Дорошукухнинг Мажмаъ ул-бахрайн» номли фалсафий асари аслият ва француз тилига таржимаси билан чоп этилди. Миср, Буюк Британия каби мамлакатларда Бобур ва бобурийлар давридаги миниатюра санъати ўрганилмокда.

Республикамизда хам бу сохада анчагина ишлар қилинди. Бобуршунос ўзбек ва жахон олимлари учрашувларини ташкил этиш, улар ўртасидаги илмий хамкорликни мустах камлаш анъанага айланиб бормокда. Шу йилнинг 22-24 май кунлари Самарқанд шахрида «Бобур ва бобурийларнинг жахон цивилизациясини ривожлантиришдаги мавкеи» мавзусида халкаро илмий анжуман ўтказилади. Самарқанд, Андижон ва Наманган университетлари ташаббуси билан уюштирилган ушбу тадбирда республикамиз олимлари билан бир қаторда чет эллик мутахассислар хам илмий маърузалар билан катнашиш истагини билдирдилар. Улар

бобурийлар даврини ўрганишга хамда уларнинг бадиий тимсолини яратишга хисса қўшган атокли ёзувчи Пиримкул Кодиров, Саидбек Хасанов, Хамиджон Хомидий (Ўзбекистон), Штефен Дейл, Мано Собти (АҚШ), Камар Раис, Бардн Де (Хиндистон), Дароти Барт, Берт Фрагнер (Германия), Сун Вейкун (Хитой), Ахмад Иброхим (Миср Араб Республикаси), Окава Хироми, Кадама Катсуя, Юта Сасаки (Япония), Шафика ва Мухаммад Ёркин (Афгонистон) Суха Баликбашиоглу (Туркия), Реми Дор (Франция)лар бор.

Шуниси диккатта сазоворки, Бобур ва бобурийлар ўз фаолиятлари давомида халқлар, ўлкалар ва маданиятларни бир-бирига яқинлаштиришга, тинчлик ва осойишталикни, хамжихатлик билан яшашни таъминлашга интилган эдилар. Бугунги кунда улар даврида яратилган бой илмий ва бадиий мерос хам жахон хамжамиятини бирдамликка ундамокда

> Б. ВАЛИХЎЖАЕВ, профессор.

# "ЎЗБЕКИСТОН — ВОИС" ХАМКОРЛИК ДАСТУРИ

Жахон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС)нинг бош директори Комил Идрис рахбарлигидаги делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу расмий ташрифдан кўзланган максад ўзаро хамкорликни ривожлантиришдан иборат. Узбекистон БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси – ВОИСга 1991 йилдан буён аъзо хамда саноат мулки объектларидан маданий фойдаланишга йўналтирилган мухим халқаро битимларнинг шартларига риоя қилувчи давлатлар каторига киради.

Ташриф давомида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасида учрашув бўлиб ўтди

Саккиз йил олдин мамлакатимиз томонидан кулга киритилган мустакиллик кўплаб халкаро ташкилотлар билан хамкорлик килишга йўл очди, - деди учрашувда сўзга чиккан Узбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х.Кароматов. латимиз илм-фан, техника, санъат ва бошка фаолият сохаларида ижод натижаларининг кафолатланган химояси нечоглик мухим ахамиятга эга эканлигини тушунган холда халқаро хукук меъёрларига мувофиклаштирилган интеллектуал мулк объектлари мухофазасини кучайтириш сиёсатини юритмокда. Президент Ислом Каримов

давлат рахбарлари орасида биринчи булиб ВОИСнинг катта Олтин медали билан мукофотлангани жахон хамжамияти томонидан Узбекистоннинг бу сохадаги муайян ютуклари тан олинганлигидан далолат беради. Республикамизнинг ушбу халкаро ташкилот билан ўзаро алоқаларни ривожлантириши мамлакатимизнинг жахон хамжамиятига кириб боришига ёрдам беради.

Жахон интеллектуал мулк ташкилоти Узбекистон рахбариятининг мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иктисодий ислох қилишга йўналтирилган саъй-харакатларини, шунингдек, барча ижод турлари учун кулай вазият яратилганини ва уларнинг натижаларидан фойдаланилишини юкори бахоламокда, дейди ВОИСнинг Бош директори Комил Идрис. Ушбу аъзо мамлакатларда интеллектуал мулкни мухофаза қилиш сохасида миллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш зарур, деб хисоблайди. Узбекистонда бу жараён тез суратлар билан ривожланаётганини хисобга олиб, ВОИС мамлакатимизда з тарихида илк бор "Халқаро ВОИС бюроси - миллий патент тизими" икки томонлама хамкорликни таъминловчи механизмларни синаб кўрмокчи

Ташриф доирасида ВОИС гурухи рахбарлари етакчи олимлар, ихтирочилар, ижодий фаолиятни ташкил этиш сохаси мутахассислари, патентшунослар ва патент вакиллари билан Давлат фан ва техника қўмитасида учрашди.

Унда ВОИСнинг бош директори Комил Идрис, Давлат фан ва техника кумитасининг раиси, академик Пўлат Хабибуллаев, Узбекистон Фанлар академияси президенти, академик Тўхтамурод Жўраев, Муаллифлар' хукукини химоя килиш давлат агентлигининг раиси Абдулла Орипов сўзга чикди. Сўнгги пайтларда иктисодиётнинг тобора кенг куламда ривожланиши туфай-

алохида ахамият касб этаётгани хамда унинг асоси интеллектуал мулк билан боглик экани кайд этилди. Саноат мулкини миллий ва халкаро мухофаза килиш тамойилларининг амалга оширилиши ижодий фаолиятни ривожлантириш, саноатлаштириш, иктисодиётга капитал куйилмаларни рагбатлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Узбекистонда интеллектуал

мулкни мухофаза қилиш бўйи-

ча аник тизим йўлга кўйилган, унинг мустахкам хукукий базаси яратилган. Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари, товар белгилари, ЭХМ программаларини ва маълумотлар хукукий мухофаза килиш, селекция натижаларини мухофаза қилиш ҳақидаги қонунлар амал килмокда. Бу сохада ягона давлат сиёсатини амалга ошираётган асосий ташкилот Давлат фан ва техника кумитасининг Давлат патент идораси хисобланади. Бугунги кунда Узбекистоннинг ахборот патент захирасила 36 миллионга якин ихтиро сакланмокда. Лицензия бозори

сотувчилар ва харидорлар орасида 1200 та шартнома ва лицензия руйхатга олин-Учрашув якунида Давлат фан ва техника қумитаси билан Жахон интеллектуал

ларда интеллектуал махсулот

мулк ташкилоти ўртасида хамкорлик тўгрисидаги би тим имзоланди. Ушбу хужжатга хар икки ташкилот му тахассислари томонидан ишлаб чикилган, икки йилга мулжалланган дастур асос булиб хизмат килди. Бу дастурга биноан Узбекистон патент тизими инфратузилма сини кенгайтириш, интеллек туал мулк бүйича жахон ах борот манбаларига кириш имкониятини ошириш, мил лий кадрларни республика нинг ўзида ва чет элларда ўкитиш кўзда тутилган. Имзоланган ушбу битим-

нинг амалга оширилиши Узбекистон билан ВОИС ўртасидаги икки томонлама хамкорликни чукурлаштириш, мамлакатимиз иктисодиётига кушимча инвестици яларни, янги технологиялар ни жалб этиш, республика да илмий-техник ижодиётни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтиришга кумак беради.

> А.ИВАНОВА, УзА мухбири.



## МАХСУЛДОРЛИК ОРТМОКДА

Бўз туманида чорвачилик сохасида ижобий ўзгаришлар руй бермоқда. Кейинги йилларда тармоқда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга жиддий киришилгани ва мутахассис кадрларни танлаш, тайёрлаш ва жой-жойига қуйишга алохида эътибор берилгани бунинг асосий омили бўлди. Масалан, тумандаги Манноб Жалолов номидаги ва «Озод» ширкат хўжаликлари чорваси бир пайтлар оғир ахволга тушиб қолганди. Сохани ўнглаш борасида кўрилган тезкор чора-тадбирлар ва ишнинг оқилона ташкил этилгани боис мазкур хўжаликларда чорвачилик сохасида туб бурилиш бўлди. Чорва махсулотлари етиштириш, жумладан, сут соғиб олиш кескин кўпайди.



СУРАТЛАРДА: Манноб Жалолов номидаги ширкат хужалигининг тажрибали чорвадорлари М. Умаров ва X. Мирзакаримов иш устида; «Озод» ширкат хўжалигининг чорвачилик фермаси сут соғувчилари (чапдан) Ю. Сатторова ва Ж. Қамбарова.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

**V**симликлар дунёси одамзотнинг хаёт тарзида жуда мухим ўрин тутади. Янада очигини айтадиган бўлсак, инсоннинг хаёти ва турмуши уларсиз ўтмайди. Усимликлар табиатда модда алмашинувни, об-хавони, озик-овкат хомашёларини, кийим-кечакларни, қурилиш материалларини, инсон учун зарур бўлган дори-дармонларни, зебу-зийнатларни яратиб берадиган улкан бир табиий фабрикадир, улардан ер юзидаги барча мавжудотлар манфаатдор бўладилар. Ана шу туфайли ўсимликлар дунёсини «хаёт манбаи» деб таърифлаш

Инсон саломатлиги учун хизмат қиладиган шифобахшлик хусусиятларига эга бўлган гиёхлар ер юзида кенг тарқалған. Улар 12 минг турдан кўпрокдир. Хамдўстлик мамлакатларининг худудида 2500 хилдан кўпрок дори-дармонлик хусусиятига эга ўсимлик турлари бор. Шулардан 250 тури махсус доривор ўсимликлар бўлиб, илмий табобатда кенг ишлатилади, 50 дан ортик тури эса экинга айлантирилган.

жуда-жуда ўринлидир.

Хозирги пайтда доридармонларнинг танқислиги, уларнинг хорижий мамлакатлардан катта нархларда харид этилиши, бунинг устига, кимёвий дори-дармонларнинг инсон организми учун зарари хам борлиги туфайли, одамлар шифобахш гиёхлардан фойдаланишга интилмокдалар. Ана шундай эканлиги қайд этилган.

#### Мутахассис минбари

бир холатда шифобахш ўсимликлар бойликларидан тўгри хамда окилона фойдаланмаслик, уларнинг тарқалиши, биологик хусусиятларини хисобга олмаслик, ўсимлик турларининг йўколиб кетишига хамда захираларининг кайта тикланишига катта зарар келтиради. Бу

Эфирмойли, доривор, ат микёсида ишлаб чикарилбўёкли ва бошка фойдали ўсимликларнинг хомашёларини халк хўжалигимиз ва табиатнинг турли сохаларида ишлатиш учун уларнинг 30 дан ортикрок турларини териш, қуритиш, тайёрлаш. сақлаш, хомашёни қайта ишлаш технологиясига оид

мокда. Олимларимиз мутахассислар билан хамкорликда озик-овкат махсулотларига маза, чиройли тус ва сифат багишловчи, таомлар таркибини биологик фаол моллалар билан бойиталиган қизил бўёкни ўсимлик гулларидан олиш технология-

# YCHMANKAAP XAET MAHBAN

сохадаги ишларда тартиб ўрнатишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ва Ботаника богининг эфирмойи, доривор ва бўёкли ўсимликлар лабораториясининг илмий ходимлари кўп йиллар давомида Ўзбекистон табиатида кенг тарқалған, фойдали хусусиятларга бой бўлган ўсимликларни хартарафлама ўрганиш бўйича илмий тадкикотлар олиб бормокдалар.

Хозиргача Ўзбекистон ўсимликлар оламида 4500 тур аникланган бўлиб, улардан 650 тури эфирмойли, 700 дан ортикроги доривор, 300 тури бўёкли, 400 хили ошловчи, 200 хили зиравор, 180 хили озик-овкатли, 100 хили сапонинли (купирувчи)

кўрсатмалар, қўлланмалар бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарига берилган.

Илмий тадкикотларимиз натижаси ўларок, эфирмойли, доривор ва буёкли ўсимликлар хомашёларидан шифобахш, таркиби турли витаминлар, органик кислоталарга ва хар хил биологик фаол моддаларга бой бўлган инсон организмини фаоллаштирувчи, иштаха очадиган чанковбосди ичимликлар рецептураси хамда уларни тайёрлаш технологияси яратилиб, «Райхон», «Тошкент», «Тог гули», «Пахтакор», «Орзу», «Ўзбекистон», «Оромгох», «Сайхун», «Жайхун», «Ором», «Урганч», «Хоразм», «Ялпиз», «Тўёна», «Самарқанд хушбўйи», «Самарканд», «Туркистон» ва

си тайёрланди ва у ишлаб чиқаришга кенг жорий этилган. Хозирги кунда соглом ав-

лодни вояга етказиш масаласига давлат микёсида катта эътибор берилмокда. Янги авлодларнинг хар тарафлама баркамол бўлиб етишувида, рухан тетик, жисмонан бақувват, соғлом бўлишида ўсимлик хомашёларидан тайёрланган махсулотлар хамда дори-дармонлар энг мухим воситалардан бири хисобланади. Шу муносабат билан эфирмойли ва доривор ўсимликлардан сарик касалликларини даволашда самарадорлиги юқори бўлган «Сафро ҳайдовчи Хожиматов йигмаси» давлат расмий руйхатидан № 27 (257(7) рақамда ўтказилиб, ишлаб чикаришга бе-«Паркент» балзамлари сано- рилди. Бу йигма сафро ва

сийдик хайдовчилик таъсирига эга, ўткир ва сурункали жигар хасталикла рида, гепато-холецистит, ўт тоши касалликларида ўт ўтказувчи йўллар дискинезиясида ишлатилади.

Хозирги кунда олдимизда турган энг долзарб вазифалардан яна бири қанд касалликларини даволашда ишлатилиши мумкин бўлган йигмалар тайёрлаш ва уларни табобатда қўллашдир.

Юкори кон босимини даволашда фойдаланиладиган йигмаларни тайёрлаш технологиясини хамда рецептларини яратиш хам бизнинг вазифамиздир. Уларга ишлатиладиган шифобахш гиёхлар гипотензив хусусиятларга эга булмоги керак

Умуман айтганимизда. хозирги кунда табиий хомашёлардан тайёрланадиган дори-дармонларга эхтиёж кўпдир. Шу сабабли, фитопрепаратларнинг рецептурасини, ишлаб чиқариш технологиясини хамда клиник синовларни ўтказиш мақсадида республикамиздаги мутахассисларни бир марказга жалб этиш, фаолиятларини якдиллаштириш мухим ахамиятга эга.

Шундай қилинса, табидори-дармонларни кўпайтириш, уларни тезрок халқ оммасига етказиб бериш орқали янги авлодлар соглигини саклаш ва тиклаш ишини ривожлантиришда катта имконият яратилади.

**Каххор ХОЖИМАТОВ**, биология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори.

# БЕШ КИТЪА ПАРАКЛАРИ

Хозирги кунда халкаро хамжамият диккат эътибори Сьерра-Леоне, Шри-Ланка. Эритрея ва Эфиопия каби мамлакатлар билан бир каторда Филиппинда содир бўлаётган вокеаларга каратилган. Маълумки, Филиппиннинг Хола оролида бир ойдан буён «Абу Сайяф» гурухи йигирма бир кишини туткунликда ушлаб турибди. Мазкур гурух Филиппиннинг жанубий кисмига мустакиллик берилишини талаб килиб, хукуматга карши куролли кураш олиб бормокда. Куни кеча Холода яна бир кучли портлаш юз берди. Оқибатда уч киши халок бўлди, ўн олти киши жарохатланди. Шахар маъмурияти мулозимларининг фикрича, қўпорувчилик айнан ушбу гурух томонидан содир этилган. Жахон матбуоти хабарларига қараганда, ушбу можароларнинг қандай ечим топиши ҳали ҳеч

Якинда Индонезиянинг Амбон шахрида юз берган можаро окибатида икки киши халок бўлди ва ўн бир киши яраланди. Хабарларга қараганда, насронийлар билан мусулмонлар ўртасида келиб чиккан ва анча вакт давом этган тартибсизликларни тўхтатиш учун хавфсизлик кучлари курол ишлатишга хам

Амбон шахрида бир ярим йилдан буён икки дин вакилларининг можаролари давом этиб келмокда. Шу вакт мобайнида минглаб одам курбон бўлди. Айни пайтда Индонезия хукумати бу худудда катта кушин ушлаб турибди.

Руминиядан Тиса ва Самош дарёларига цианид моддаси тўкилиши ушбу худудда жиддий экологик муаммолар келтириб чикармокда. Хозир хар икки дарёдаги баликлар хаёти хавф остида колган. Хавзадаги ўсимликлар ва хайвонлар хам кимёвий модда таъсирида нобуд бўлмокда. Бу кўшни давлатлар, хусусан, Венгрияга ҳам кучли таъсир қилди. Шу муносабат билан Венгрия Руминия хукуматидан беш миллион АҚШ доллари микдорида жарима тўлаш талабида қатъий турибди. Аммо Руминия жарима тулашға шошилаётғани йуқ.

Болгария парламенти аъзолари Иван Костов хукуматига ишончсизлик билдириш масаласи мухокамасини кейинга қолдирди. Мухолиф сўл марказчилар хукуматни коррупциялашганликда айблаётган эди.

Франциянинг Алансон шахри якинида сайёхлар самолёти халокатга учради. Оқибатда тўрт киши халок бўлди. Айни пайтда тегишли органлар халокат сабабларини ўрганмокда.

Эфиопия ва Эритрея кушинлари ўртасида жанглар давом этмокда. Куни кеча Эфиопия қўшинларининг шиддатли хужумлари натижасида Эритреянинг Барэнту шахри босиб олинди. 200 мингдан ортик эритреялик қочқин мамлакат ичкарисига кўчирилди.

Колумбия харбий-денгиз кучлари ва махсус хизмат ходимлари хамкорликда амалга оширган тадбир натижасида 5 тонна наркотик модда кўлга олинди.

Дунёдаги йирик «Форт» концерни Буюк Британиядаги фаолиятини тугатиш арафасида турибди. Мутахассислар бунинг сабабини Буюк Британия миллий валютаси қадри ошиб бораётгани натижасида мазкур концерн рақобатға дош бераолмаяпти, деб изохлашмокда.

Хориж матбуот хабарларига қараганда, АҚШ президенти Билл Клинтон ва унинг рафикаси Хиллари



Германиядаги Сансуси саройи

Клинтоннинг ўтган йилдаги даромадлари 416 минг долларга тенг булган. Даромадларнинг асосий кисмини уларнинг маошлари ташкил қилади.

Бир неча кундан буён давом этаётган ёгингарчилик Аргентина пойтахтида транспорт харакатига халақит бермоқда. Йўлларда вужудга келган кўлмаклар ва ўпирилиб кетган дарахтлар машиналар харакатини тўхтатиб қуйган. Табиий офат натижасида ўнлаб одамлар жарохатлангани хакида хабарлар бор.

Хориж матбуоти хабарларига қараганда, Сьерра-Леоне бирлашган инкилобий жабха исёнчилари кўлида асирда турган БМТнинг 93 нафар харбий хизматчиси озод этилиб, пойтахт Фритаунга келтирилди.

Стокголмда Исроил ва Фаластин музокаларининг навбатдаги боскичи бўлиб ўтмокда.

#### WABKAT КАРИМОВНИНГ ЗАВОДИ

Когонлик тадбиркор Шавкат Каримов бошлик "Файз-қурилиш материаллари" масъулияти чекланган жамият ўтган йили бошлаган хайрли ишини нихоясига етказди: гипс ва бентонит ишлаб чикарувчи завод фойдаланишта топширилди.

Янги корхонани барпо

этиш осон кечгани йук. Таъсисчилар маблаги курилиш харажатларига хам етмади. Ана шунда "Замин" ипотека банки Бухоро вилоят булими тадбиркорга ёрдамга келиб, ишлаб чикариш ускуналарини харид килишта 12 миллион сум кредит ажратди. Когондаги курилиш, электрлаштириш, газлаштириш ташкилотлари хам амалий ёрдамини аямади

"Когон-Коровулбозор" трассаси буйида курилган янги корхона хозир бир кеча-кундузда 100 тоннагача гипс ишлаб чикармокда. Йил охиригача ўз махсулотининг барчасини курилиш ташкилотлари ва якка буюртмачиларга етказиб бериш тўгрисида келишиб олган тадбиркор келгусида завод ишлаб чикариш кувватини суткасига 250 тоннага етказиш тадоригини курмокда.

Илхом САФАР, ЎзА мухбири.

#### Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

Кашқадарё вохаси мустакил республикамизнинг катта имкониятларга эга бўлган худудларидан биридир. Бу ерда нефтгаз саноати гуркираб ривож топаяпти. Унинг серунум заминида пахта, ғалла. чорва. мева. сабзавотни хам бехисоб етиштириш мумкин. Айни пайтда истиклол йилларида бу ерда маданият, маънавият ва маърифатнинг ривожига ойдин йўллар очил-

Вохани ўзгартираётган куч-кудрат, бу — ислохот. Янгиланишлар таълимтарбия сохасини, маърифатни тубдан қайта ташкил этиш борасида хам ўзини аён этмокда.

Мустақилликнинг ўтган 9 йилида вохадаги таълим тамомила ўзгарди. Бу ўзгаришлар Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва рахбарлигида мамлакатимиз таълим тизимини тубдан янгилашга қаратилган ва хозирги кунда изчил ривожлантириб борилаётган ислохотларнинг ажойиб самарасидир. Бу ўзгаришлар республикада амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг хайрли натижаларидир.

Масалан, кечаги Қарши давлат педагогика институти бугун университет мақомига эга бўлди. Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва ирригация институти филиали ўрнида эса, Қарши мухандислик иктисодиёт институти вужудга келди. Вилоятдаги техникумлар, билим юртлари янги таълим талаблари асосида академик лицейлар ва коллежларга айланмокда.

Таълим-тарбиянинг си-

фатини Истиклол бош ме-

зонга айлантирди. Бу —

энг мухим ва энг хал

қилувчи афзалликдир. Шу маънода, биргина Қарши давлат университети фаолиятига назар ташлай-

лик. Унинг университет макомини олганига хам 8 йил тўлаяпти. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амал кила бошлагандан буён университетимизда ўкув жараёнини тамомила кайта қуришга киришдик. Бу, табиийки, осон кечадиган жараён эмас. Аввало, собик педагогика институти ўкув бинолари, жихозлари, асбоб-ускуналари ва хатто ўкув адабиёти мустақиллик

хамкорликка кенг йўл очилди. Шахсан мен ўзим хозирги таълимнинг вакилларидан бири сифатида бир катор чет мамлакатларда бўлдим, у ерлардаги олий таълим мазмуни билан етарли даражада танишдим, десам бўлади. Кўрганларимиз эса иш тажрибаларимизда аскотаяпти. Масалан, биз ўкув биноларини, фан марказларини, мажлисхоналаримизни, та-

кил этилди ва қизғин фаолият олиб бормокда. Университетда маънавият ва маърифат, хукукий таргибот, илмий ахборотлар тизими (дарвоке, якинда университетимиз жахон интернет тизимига уланди), тил ўрганиш, халкаро бизнес мактаби, тадбиркорлик, маркетинг хизмати, халкаро бўлим сингари марказлар ишлаб турибди.

Бироз такрор бўлса хам

# ТАЪЛИМНИНГ **ЭЗГУ МУДДАОСИ**

лабларига жавоб берадиган даражада эмасди. Зотан. эски корхона ашёлари билан янги, замонавий махсулот чикариб бўлмаганидек, шўро олий таълимининг қолдиқлари билан жахон андозаларига тўгри келадиган, ракобатбардош мутахассисларни хам тайёрлаб бўлмасди.

Бизнинг собик педагогика институтимиз нукул ўкитувчилар тайёрлаб беришга йўналтирилганлиги сабабли асосий кутубхонамиздаги адабиётлар мажмуаси хам шу йўналишда жамғарилган китоблардан иборат эди. 1996-97 ўкув йилидан эътиборан ўкув алабиётларини янги, замонавий дарсликлар ва қўлланмалар билан тўлдиришга астойдил интилдик. Илгарилари фақат рус ва ўзбек тилларида илмий-услубий адабиётлар мавжуд эди, эндиликда талабаларимиз кутубхонада бир қатор хорижий тиллардаги адабиётларни хам мутолаа

бўлдилар. Бугун жахоннинг илгор таълим марказлари билан

килиш имкониятига эга

лабалар уйларини, кутубхоналар ва ўкув залларини хориж мезонидан кам бўлмайдиган килиб таъмирлашга эътиборни қаратдик. Институтимиз бир масканда, яхлит худудда қарор топганлиги мухим ахамиятга эга. 9 та факультет, 5 та талабалар уйи, кутубхона, ўкув лабораториялари, ўкув-тажриба боги, «Заррин нур» қуёш энергиясидан фойдаланиш мажмуаси... Президентимиз ва дав-

латимиз олий таълим олдига қўяётган талабларни бажара бориб, университетнинг халқ хўжалигидаги нуфузини оширишга катта саъй-харакат килинмокда. Чунончи, хозирги кунда ахолиси 2,5 миллионга якинлашиб бораётган вилоятимизнинг келажагига хизмат қила оладиган мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш асосий вазифамиз бўлиб қолмокда. Шу жихатдан, макроиктисодиёт ва маркетинг, хукукшунослик, бухгалтерия хисоби, менежмент ва молия-кредит, экология, демократик жамиятни куриш назарияси ва амалиёти сингари янги фан кафедралари ташайтаманки, чет эл таълим тизими билан алоқани йўлга қўйиш, ўзаро бордикелдилар яхши натижа бераётир. АҚШ, Англия, Германия, Исроил ва бошка хорижий мамлакатлардаги хамкорлар бизга китоблар, дастурлар, технологиялар бўйича амалий ёрдам кўрсатаяпти. Ўзаро тажриба алмашишлар, стажировкалар мунтазам давом этаяпти. Шу кеча-кундузда бир гурух олимларимиз Англия ва Финляндияда малака оширмокдалар. Талабаларимиз орасида хам хорижда тахсил олаётганлар бир

Табиийки, замонамизнинг илгор андозалари нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, олдимизда хал этилиши зарур бўлиб турган масалалар хам оз эмас. Биринчидан шуки, олийгохимиз университет макомига эга бўлганлигининг ўзи ўкув-таълим сохасидаги ишларни юксак даражага кўтаришни тақозо этади. Университетимиз хозирги кунда илм-фаннинг 22 йўналиши бўйича 27 та ихтисосликдан халқ хўжалигига кадрлар тайёрлаб бе-

ришга даъват этилган. Бирок таълимнинг сифатини хам шу даражага кўтариш олдимизда турган вазифадир. Хозирча айрим фан кафедраларида давр рухини англаб етишда сусткашлик кўзга ташланиб турибди. Шу важдан айрим ихтисосликлар бўйича ўкитувчиларимизнинг Давлат аттестациясидан ўтишлари мушкул бўлди. Хозир Давлат аттестацияси хулосалари асосида ўкитувчилар малакасини ошириш бўйича режали иш олиб борилмокда.

тет макоми — унга кабул қиланадиган талабаларнинг хам салохиятли, иктидорли, ижодий-тахлилий тафаккурли бўлишини талаб қилади. Шу мақсадда биз университет кошида академик лицей ва коллеж очдик. Энди бу ўрта махсус таълим масканларида таълим-тарбия давр рухига монанд тарзда ташкил этилишига эришишимиз, уларни чукур замонавий билимли, малакали ўкитувчи кадрлар билан мустахкамлашимиз зарур. Хозир ана шу йўналишда хам иш олиб бормокдамиз.

Иккинчидан, универси-

Юкорида айтганимиздек, Қашқадарё вилояти республикамизда иктисодий-маънавий салохияти бақувват худудлардан бири. Аммо бу салохиятни янги, комил тарбияли ёшлар юзага чикариши, шак-шубхасиздир. Вохадаги таълим, жумладан, Карши, давлат университети ана шундай янги авлодни тарбиялаб етиштиришга ўз хиссасини қушаверади. Бизнинг бутун педагогик фаолиятимиз, куч-ғайратимиз, изланишларимиз ана шу эзгу муддаога каратилган.

Назар ХАКИМОВ, **Карши** давлат университети ректори, **Узбекистон Республикаси** Олий Мажлиси депутати.

#### «КУКЧА»

ОЧИК ТУРДАГИ ХИССАДОРАНК ЖАМИЯТИ

## 2000 MWA 5 MICH GOAT 10.00 AA

1999 йил якуни бўйича хисобот мажлисини ўтказади.

Манзил: Тошкент шахар, Шайхонтохур тумани **Уй**ғур кўча, Соҳибоева тор кўчаси — 22-уй.

#### ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА КИШЛОК ХУЖАЛИГИНИ **МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ**

2000 йил учун докторантурага ва аспирантурага қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

**ДОКТОРАНТУРАГА:** 

06. 01. 02 — «Мелиорация ва сугорма дехкончилик» -(1 ўрин); механизациялаш»-(1 ўрин)

АСПИРАНТУРАГА:

05. 20. 01 — «Кишлок хўжалиги ишлаб чикаришини механизациялаш» (кундузги бўлимга -2 ўрин) (сиртки бўлимга -1 ўрин);

«Кишлок хўжалиги ишлаб чикаришин

электрлаштириш» (кундузги бўлимга -1 ўрин) 05. 20. 03 «Кишлок хўжалик техникаларини эксплуатация килиш, тиклаш ва таъмирлаш» (кундузги бўлимга -1 ўрин) (сиртки бўлимга -1 ўрин);

«Гидротехника ва мелиорация курилиши» (кундузги бўлимга - 1 ўрин); (сиртки бўлимга -1 ўрин); «Мелиорация ва сугорма дехкончилик» (кундузги бўлимга - 1 ўрин);

(сиртки бўлимга - 1 ўрин)

08. 00. 04 — «Микроиктисод» (кундузги бўлимга -1 ўрин). Хужжатларны қабул қылыш муддати эълон чиққан кундан бошлаб 2000 йил 30 сөнтөбргача Ахборот учун құйндағы манзилга мурожаат қилын

TOURSE COLUMN COMPART COLUMN C WIMMED ENGINEERING OR OTTO PROGRAMME THE TENGO 40



# 



Бугун вилоят ахли, айникса, ёшларнинг шодлиги чексиз. Гуллар шахри Наманган ўзига ярашикли янги спорт либосини кийгандай. Кенг ва обод кўчалар, хиёбонлар байрамона безанган. Ёшукари мамлакатимиз спорт хаётидаги йирик анжуман - «Универсиада-2000» қатнашчиларини ғурурга тўлиб карши олмокда.

# НАМАНГАН **УНИВЕРСИАДАГА**

лабалари ўртасида ўтказиладиган ажойиб ўйинлар учун айнан Наманганнинг танланганлиги бежиз эмас! Мустакиллик йилларида вилоятнинг жисмоний тарбия ва спорт салохияти беқиёс даражада юксалди. Жахон андозаларига мос келадиган ўнлаб стадионларда ташкил этилган йирик халкаро мусобакалар довруги достон булди.

Мезбонлар бу галги спорт байрамига алохида хозирланишди. Мусобақалар ўтказиладиган барча майдонлар қайтадан таъмирланиб, хар томонлама қулай ва бенуқсон қолатга келтирилганлиги беллашувлар муваффакиятини таъминлаши, табиий. Тадбир катнашчиларининг Наманганда ўтадиган кунлари мазмунли ва самарали бўлиши учун барча хизмат тармоклари вакиллари шай туришибди. Кеча вилоят хокимлигида тайёргарлик ишлари юзасидан сўнгги йигилиш бўлди.

«Сурхондарётеле-

ком» шўъба корхона-

сининг Денов филиа-

лида Индонезия

билан ҳамкорликда

қурилган автомат-

лаштирилган янги

телефон станцияси-

нинг очилиш мароси-

ми бўлди. Унда янги

учун нақадар манфа-

атли эканлиги таъкид-

Ўзбекистон Респуб-

станциянинг ахоли

ликаси Почта ва

телекоммуникация

агентлиги бош ди-

Узбекистон - Индоне-

зия қўшма корхонаси

рахбари Тохир Бегма-

тов хам деновликлар-

ни бундай қулайлик

билан қутладилар.

Маросим сўнггида

тиядан ташриф

Индонезия ва Хорва-

буюрган мехмонлар

бу ерда ўрнатилган

асбоб-ускуналарининг

ишлаши, ходимлар ва

мижозлар учун яра-

тилган шарт-шароит-

лар билан батафсил

«Туркистон-пресс».

танишдилар.

замонавий алока

ректори Фатхулла

Абдулаллаев,

ланди.

лий жихатдан юксак савияда ўтказиш лозимлигига эътибор қаратилиб, универрини намоён этиш мухимлиманнинг бош штаби - Нати кошида матбуот хизмати мизнинг марказий нашрла-

Хадемай мехмондуст шахар Ўзбекистон олий ўкув юртларининг 1500 нафар энг кучли ва чаккон вакилларини багрига олади. Улар бир хафта давомида спортнинг тўққиз тури бўйича махоратларини намойиш этиб, навкирон кучларнинг нималарботлашади. «Соглом авлод йили»нинг мухим тадбирларидан бири буладиган «Универсиада-2000»нинг шид-

Кейинги йилларда спорт мусобакаларига мезбон танлаш тобора мураккаблашиб бор-

мокда. Чунки, бундай тадбирга мезбонлик килиш кўп жихатдан фойдали эканлиги хеч кимга сир эмас. Айни пайтда АКШнинг ўзидан саккизта шахар 2012 йилги ёзги олимпиада

кимга сир эмас. Айни пайтда АҚШнинг узидан саккизта шахар 2012 йилги езги олимпиада ўйинларини ўтказиш истагини билдирмокда. Улар орасида Вашингтон, Нью-Йорк, Дал-лас, Сан-Франциско каби йирик шахарлар хам бор. Номзод шахарлар 15 декабрга кадар АКШ миллий олимпия кумитасига ариза такдим этиши лозим. Кумита 2002 йили шахарлардан бирини танлайди ва Халкаро олимпия кумитасига АКШ номидан номзод курсатади. 2012 йилги олимпиада мезбонининг номи эса 2003 йилда эълон килинади. Шуни хам эслатиб ўтамизки, агар 2008 йилги ёзги олимпиада Шимолий Америкада-ги Торонто шахрида ўтказилгудек булса, АКШ миллий олимпия кумитаси ўзи курсаттан

номзоддан воз кечади. 2008 йилги олимпиада мезбони эса 2001 йили ёзда Москва

ТАЙСОН РУХСАТ СЎРАЯПТИ

ланган жангни ўтказиш учун Бирлашган Кироллик худудига киришга рухсат сўради. Майк Тайсон ўз хамюрти Лу Савареза билан бўладиган беллашувни Шотландиянинг

Глазго шахрида ўтказиши лозим ва у бу ерга кириш чогида муаммоларга дуч келиши

М.Тайсон ўзининг бу йилги дастлабки жангини 29 январ куни Англиянинг Манчестер шахрида Жулиус Фрэнсисга карши ўтказган эди. Ўшанда "Темир Майк"нинг Бирлашган Киролликка ташрифи айрим асаббузарликларга сабаб бўлганди. Чунки Буюк Британия-

нинг мухожирлик тўгрисидаги конунларига кўра, бир йил ва ундан кўп муддатта камал-ган шахсларнинг Бирлашган Кироллик худудига кириши ман этилади. Майк Тайсон эса

Оғир вазндаги профессионал боксчилар ўртасида собик жахон чемпиони америкалик

бўлгуси олимпиада қатнашчилари кўзга ташланиши, шубхасиз.

Юкорида таъкидлаганимиздек, «Универсиада-2000» билан боглиқ байрамона кайфият бугун барча фукаролар рухиятига кўчган. Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу мухим тадбир ўз кўлам ва мохияти, ахамияти жихатдан кичик олимпиадага тенглаштирилаётгани боис хам матбуот телерадио журналистлари, ижодкорлар диккат эътиборида. Хатто, наманганлик кекса ижодкор Жўра Рахим «Универсиада-2000»нинг жуда кенг микёсда ўтказилаётганидан илхомланиб, қуйидаги сатрларни битибди:

Универсиада ёшлик каптари, Юксаклик кўкида учгин баландлаб. Интизор хар бир қалб фақат сен сари, **Каршингда турамиз** биз омад тилаб.

куч синашади, Чаққонликларин қилишиб кўз-кўз. Гўёки дарёдай қайнаб тошади. Спорт дунёсига

> **Кудратилла** нажмиддинов,

#### Мушоира

## ATIMAP OFOX

Бахор келди, дебон айлар шахар дилбарлари огох, Очилмай гул улар рухсорлари очилгуси, ох-ох!

Хали кулмай чечаклар, ханда урмай шохда куртаклар, Кўрарсен чехраи гулгунлари табассумин ногох.

Нигохинг сажда айлай, дер, фусун сохибаси ёққа, Латофат мулкида, дерсан, уларнинг хар бирин бир шох.

Табиат жонланур дейман гўзалларни килиб тимсол, Нигохлар шу қадар ўтлуғ, бахорни қилгудай ислох.

Гўё хар бир дудог — гулбарг, ато хар қизга сарв қадди,

Ёнар кўзларда юлдузлар, гўё юзларга қўйган мох. Енингда, рўпарангда сирли дунёлар килур жилва,

Тирилган боқса бежон ҳам, «Хаёт!» — дер рухи ҳам дилхоҳ. Кўриб юзларда гул фаслин бахорга бурди юз борлик,

Буни ким кўрмади — шабкўр, буни хис қилмаган гумрох.

Куриб нозик малохатни, татиб ифорни кизларда, Нозик давра аро билди бахор ўз ўрнини пойгох.

Ризодир Жонибек, ўтса гўзаллик шархини куйлаб, Жами жонли бахорларга бўлиб бир оташин маддох! Жонибек СУБХОН

#### ШУЗЛИҚҚА THYTHYPMA...

Бир қўлингда «Куръон», битта қўлинг қон, Дастингдан эл нотинч, юрт файзи вайрон. Касрингдан кимларда дарз кетди иймон Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!.

Саждага бош уриб, қуллиғинг надир, «Амри маъруф», «даъват» — силлигинг надир. Портлатиб, ўт қўйиб — қилиғинг надир, Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!.

Таниганинг шуми савоб — гунохни, Ватанингга қарши қазийсан чохни. Тилагинг — тожу тахт, тинч қуй Оллохни... Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!.

Не берардинг Хақни уққан элга сен, Минг бир авлиёни туккан элга сен. Мўминлиги хурга юққан элга сен, Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!.

Тузлиққа тупурган нобакор бўлма, Оқпадар, дарбадар, хору зор бўлма. Беватан, бекафан, бемозор булма -Сен қандай бандасан, сен қандай инсон?!.

Бобур БОБОМУРОД

Х.Сулаймонова хотирасига Ватан бергай хар кимга бахт, ўзга бахт ёлгон бўлур, Хақни севган халқи бирлан бир тану бир жон бўлур.

Айланур гардиши даврон не замон гирдобида, Ким адолат сохиби у — хуршиди даврон бўлур.

Дилда туғён жуш урса жон хеч халоват истамас, Бу тириклик кимга эрмак, кимгадир имкон бўлур.

Илму ишга кўнгил қўйган етмиш охир муродга, Элда мангу эъзоз топиб хазрати инсон булур.

Чин хаётнинг умри бокий, бахти хам буюк экан, Қанча мухлат ўтса шунча шухрати достон бўлур.

Асли улуғ зотлар учун ушбу шеър бир қатрадир, Гулчехра гар тузса наво ёзгани девон бўлур. Гулчехра ХЎЖАНОВА

#### HABO

Сабо тебратди гул шохин, уйготиб қишни хобидин, Олиб бахра, қанот ёз, ғунчалар тўйдир гул обидин.

Куёш нури силаб борлиқ, кўкат, гуллар, дарахт шохин, Бодом, олма, ўрик киймуш келиннинг оқ либосидин.

Камалак бир хабарчидек самодин ерга бош эгди, Олибдур улгусин қизу жувоннинг қоши ёсидин,

Чақиб чақмоқ булут ортида янгратди гўзал созин, Туйиб борлик нафас олмуш бахорнинг гул хавосидин,

Бобо Рустам, қушилди ёшингга бир ёш, хабардор бул, Шукр бирлан қўлинг узма она тупроқ тавобидин. Рустам БОБОЕВ

#### (масъул котиб -«Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбо-

(масъул котиб -

Э. БОЛИЕВ

«Халқ сўзи»),

м. егоров

«ХАЛК СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:

Узбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Кенгаши

Узбекистон Республикаси

Вазирлар Махкамаси

-----

Бош мухаррир:

Аббосхон

**УСМОНОВ** 

Тахрир хайъати:

-----

сари — «Халқ сўзи»), с. зинин,

м. миралимов,

с. мухиддинов, Ш. РИЗАЕВ,

М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ,

И. ХУДОЁРОВ,

и. ШОГУЛОМОВ,

О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари - «Народное слово»),

ў. хошимов.

#### БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий хаёт 133-57-34;

XVKVK -

136-07-94; Иктисодиёт 136-36-65:

132-10-65 наърифат -

136-35-60; Хатлар -

> 136-29-89, 133-07-48;

Фан, соғликни саклаш ва ижтимоий масалалар 132-12-08;

Ахборот, спорт ва харбийватанпарварлик

132-11-15; Халқаро ҳаёт

132-11-15; Котибият

Эълонлар

136-09-25.

133-10-28;

#### Рўйхатдан ўтиш тартиби

Nº 00001 Буюртма  $\Gamma - 376$ , 22228 нусхада босилди,  $\chi$ ажми — 2 табо $\chi$ . Офсет усулида босилган.

Қоғоз бичими А-2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди хамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОГАЕВ

томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб ю. хамидов. Навбатчи мухаррир И. ХУДОЁРОВ. Навбатчи Э. МАВЛОНОВ. Мусаххих

Ш. МАШРАББОЕВ.

манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар

кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриётматбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00

mоnииpи $_{23,30}$ 1 2 3 4 5

Олий ўкув юртлари та- Унда мусобакаларни ташки-

сиада қатнашчиларига вилоятнинг ўзига хослиги, ажойиб урф-одатлари, анъаналаги уктирилди. Бугун анжуманган Давлат университеиш бошлади. Мамлакатири, телевидение ва радио журналистлар бу ердан барча маълумотларни мунтазам олишлари мумкин.

га кодир эканликларини исдатли беллашувларида

Унда талабалар

тутиб ёруг юз.

«Халқ сўзи» мухбири.

## «ОБОД»

Кийикларни ким севмайди, дейсиз. Она табиатнинг беозор, жонзоди бўлган кийиклар гўзаллик рамзи. Хўжаободдаги «Обод» кичик корхонасида ишловчилар ана шу гўзалликни жойлардаги маданият ва истирохат богларига, гузарларга, олиб киришга қул урди. Қишлоқ ҳунармандлари құлидан чиққан турли кўринишдаги ва катталикдаги кийик ҳайкаллари тез орада қўлма-қўл бўлиб

Хунармандларнинг фаолияти бу билан чегараланмайди. Улар мижозлар истагига кўра олти қиррали плиталар, гул туваклар, фавворалар тайёрлашни

хам бошлаб юбордилар. «Обод»нинг ғишт ва охак ишлаб чикарадиган цехлари хам ахолининг курилиш материалларига бўлган талабини қондиришда алохида ўрин касб

О. ШОДМОНАЛИЕВ,

# КИЙИКЛАРИ

«Халқ сўзи» мухбири.

#### уч йил ўтирио чиккан. Утган сафар Буюк Британия ички ишлар вазири Жек Стро истисно тарикасида боксчининг Бирлашган Кироллик худудига киришига рухсат берганди. Ж.Стро буни жанг-нинг ўтказилмаслиги Буюк Британия обрўсига путур етказар эди, деб изохлаганди. Майк Тайсон бу галги илтимосномани хам Жек Строга йўллади. Вазир ёрдамчисининг айтишича, бу масала якин кунларда хал бўлади. Лекин Ж.Строга кийин бўлиши аник. Кўпчилик ундан рад жавобини беришни талаб этмокда. этмокда. Зохир ТОШХЎЖАЕВ (¥3A)

#### AAAO, XAKAPTAMN, Узбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бухоро ва Фарғона шахарларидаги МЕН ДЕНОВДАН...

қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов этлон килади:

бошликлари:

Ижгимоий ва гуманитар фанлар кафедраси, Иқтисодий ва махсус фанлар, ахборотлаштириш ва техник воситалар кафедраси, Хукукий фанлар кафедраси, Харбий ва жисмоний тайёргарлик кафедраси.

Укитувчилар:

Ижтимоий ва гуманитар фанлар (1,0), Иктисодий фанлар (1,0), Бухгалтерия хисоби, солик ва соликка тортиш (1.0), Харбий ва жисмоний тайёргарлик (1,0), Автомобиль тайёргарлиги (1,0), Ахборотлаштириш ва техник воситалар (2,0).

Танловда илмий даражага, илмий унвонга, маълум иш стажига эга бўлган ёши 55 дан ошмаган талабгорлар қатнашиши мумкин.

СОЛИК КОЛЛЕЖЛАРИ

#### Танловда зарур булган хужжатлар:

- Коллеж бошлиғи номига ариза; Талабгорнинг тўлдирилган шахсий варақаси;
- 4х6 ўлчамли иккита расм;
- Таржиман хол;
- Хизмат тавсифномаси;
- Олий ўкув юртини битирганлиги тўгрисидаги диплом нусхаси;
- Илмий даражага эгалигини тасдикловчи хужжат;
- Босмадан чиққан илмий ишлари ва кашфиётлари.

Ишта қабул қилинганлар, солиқ хизмати ходимлариға белгиланған имтиёзлардан фойдаланадилар.

Хужжатлар этлон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида куйидаги манзилгох буйича кабул килинади.

Бухоро шахар, Саноатчилар кўчаси, 7-уй. Фаргона шахар, Қиргули тумани, Фаргона кучаси, 122-уй.



## БЕШИКДАН БОШЛАНАР ДУНЁ...

Чақалоқни бешикда улғайтириш халқимизнинг анъанавий удумларидан бири. Хар бир хонадонда бешикнинг булиши ҳам шундан. Бунда чақалоқ тиниқиб ухлайди, соғлом ўсади. Бешик ҳақида ғап борар экан, бешиксоз усталар беихтиёр куз ўнгимизга келади. Дарвоке, бешик ясаш санъати мамлакатимиз минтақаларида фарқланиб туради. Яъни, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида ясалаётган бешиклар бир-бирига ўхшамайди.

Буюк Ипак йўлида жойлашган Ғиждувон шахридаги қўли гул усталар ясаётган бешиклар хам ўзига хосдир: айниқса, ғиждувонлик уста Шахобиддин Бақоев яратлаётган бешиклар нафақат Бухоро, балки юртимизнинг турли манзилларидаги хонадонларга хам кириб борган.

Ота-боболаримиз анъанасини давом эттириш барчамиз учун фарз. Хунар билганни эл танийди. Кимгадир яхшилик қилсангиз, ишингиз бароридан келаверади. Мен доим болаларимга, шогирдларимга шуни такрор-такрор уқтираман, — дейди Шахобиддин ака. СУРАТДА: уста Шахобиддин Бақоев ва келини Ақида Ражабова иш устида.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

илхом **XAMPO** 



топдим

### Назм дарчаси «СИЗНИ ТОПДИМ»

#### Шеърият улкан дарёдир. Минг йилларки у шовуллайди, тошади, кишининг аклини шошириб, ўзани тобора кенгайиб бораверади. У кўнгиллардан куч олади. Шу боис, борар манзили хам кўнгилдир. Зотан, у бо-

сиб ўтган йўллар мудом ободдир. Бир нафас билан рухингизга сингган шеърдаги иликлик, майин тароват тўлкини беихтиёр, иккинчи, учинчи шеърларни ўкишга даъват этади. Тўлкинлар кўнглингизни ювади. Сиз бу ерда назокат, латофат ва

бунда «топиш» ва «топилиш» бахти бордир. Шоир Илхом Хамронинг навбатдаги «Сизни топдим» китобида ушбу икрор ўз аксини топгандек... «Ёзувчи» нашриёти томо-

тоб ўз ўкувчиси билан сирлашли Кўлинг кўкка чўзсанг юлдуз қўнаркан,

учун ҳам, муаллиф учун ҳам нидан чоп этилган мазкур киўзгача сурурли, бундай ажойиб дамлар барча ижод ахлига насиб этаверсин, дейди Илхом Хамро. Биз хам шуни истаймиз!

Ул заминда дилга

Согиниб топибман

мехр тўларкан,

шундай замонни!

Юсуф ХАМИДОВ.

Бу юз кўришув ўкувчи

Қалби пок бўлмаган гулдай сўнаркан,

> Сув муаммолари институти жамоаси институт бош илмий кодими Узбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбо-би, Россия ва Узбекистон қишлоқ хўжалиги академияларининг мухбир аъзоси, техника фанлари докто Амин МУХАМЕДОВнинг доктори, профессор вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзоларига чу-

> сур таъзия билдиради Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокуроинг катта ёрдамчиси Нурали Чиннихон ая ЖУРАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изхог

> Дипхорижхизмат бошқармасининг «Диплом-Т» фирмаси жа-оаси булим бошлиғи Абдуғофур Абдуллахужаевга отаси Абдусалом ака АБДУЛЛАХУЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чукур хамдардлик из-

Тошкент архитектура қурилиш инстиги ректорати ва жамоат ташкилотлари Узбекистон Республикаси олий ва урта махсус таълим вазирининг биринчи ўрин

икрор билан топишасиз. Сатр-

лар кўнглингиздан окиб ўта-

ди. Сиз хам гох сурурли, гох

нолакор туйгулар издихоми-

га қўшилиб оқасиз. Чунки

босари Шавкат Курбоновга отаси Эргаш ака ҚУРБОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хужатигини механизациялаш инженерлари ин ститути рахбарияти ва профессор-укитувчилари «Курилиш механикаси» кафедраси мудири, техника фанлари доктори профессор М. Мирсаидовга волидаи мух

Махбуба она ЮСУПОВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъ вия изхор этали.